ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ

К.Б.УРАЗОВ

СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР ВА МУСТАҚИЛ ИШЛАР УЧУН ТОПШИРИҚЛАР ТЎПЛАМИ ҲАМДА УЛАРНИ БАЖАРИШГА ОИД УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Мутахассислик - 5А230902 «Аудит» (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича)



САМАРҚАНД - 2017

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ

К.Б. УРАЗОВ

СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР ВА МУСТАҚИЛ ИШЛАР УЧУН ТОПШИРИҚЛАР ТЎПЛАМИ ҲАМДА УЛАРНИ БАЖАРИШГА ОИД УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Мутахассислик - 5А230902 «Аудит» (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича)

САМАРҚАНД - 2017

65.9(2)26
У623

Уразов К. Б. Солик ва тўловлар аудитининг хусуснятлари. Амалий машғулотлар ва мустакил ишлар учун топшириклар тўплами хамда уларни бажаришга оид услубий кўрсатмалар. – Самарканд. СамИСИ, 2017. – 76 бет.

Такризчилар:

Иктисод фанлари номзоди, профессор Р.А. Абдуллаев
иктисод фанлари доктори, профессор А.И. Ашкулов

Мазкур ўкув-услубий иш ўз ичига «**Солик ва тўловлар аудитининг хусуснятлари**» фанидан амалий машғулотлар ва мустакил ишлар учун топшириклар тўплами хамда уларни ечишга оид услубий кўрсатмаларни олган.

Олий ўкув юртларида 5А230902 «Аудит» (ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сохалари бўйича) мутахассислиги бўйича таълим олаётган магистрлар учун мўлжалланган.

«Бухгалтерия хисоби ва аудит» кафедрасининг
2017 йил 2 мартдаги йиғилишида
мухокама қилинган ва тасдиқланган
(14-сонли баён)

Институт ўқув-услубий кенгашининг 2017 йил 19 апрелдаги йиғилишида кўриб чиқилган ва тасдиқланган (7-сон баённома)

© СамИСИ, К.Б. Уразов, 2017

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	4
1-мавзу.	«СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ.....	6
2-мавзу.	СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ, ТАШКИЛИЙ ВА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ.....	12
3-мавзу.	ОБОРОТДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАРНИНГ АУДИТИ.....	21
4-мавзу.	ХАРАЖАТЛАРГА КИРИТИЛАДИГАН СОЛИҚЛАРНИНГ АУДИТИ.....	32
5-мавзу.	ФОЙДАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР АУДИТИ	42
6-мавзу.	СОДДАЛАШТИРИЛГАН СОЛИҚ ТЎЛОВЛАРИНИНГ АУДИТИ	48
7-мавзу.	ХОДИМЛАРДАН УНДИРИЛАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ВА ДИВИДЕНД СОЛИҒИНИНГ АУДИТИ..	57
8-мавзу.	ДАВЛАТНИНГ МАҚСАДЛИ ФОНДЛАРИГА АЖРАТМАЛАР ВА ТЎЛОВЛАРНИНГ АУДИТИ.....	64
9-мавзу.	СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВА СОЛИҚЛАР БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯЛАРНИНГ АУДИТИ.....	69
10-мавзу.	СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИ НАТИЖАЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШ, РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИҚ ЭТИШ.....	72
	ФОЙДАЛАНИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АХБОРОТ МАНБАЛАРИ.....	75

КИРИШ

Ушбу ўқув-услубий иш **«Солиқ ва тўловлар аудитининг хусусиятлари»** фани ўқув-услубий мажмуасининг таркибий элементларидан бири хисобланади. У ўз ичига фан бўйича амалий машғулотларни ўтказиш ва мустақил ишларни бажариш учун топшириқлар тўплами хамда уларни ечишга оид услубий кўрсатмаларни олган.

«Солиқ ва тўловлар аудитининг хусусиятлари» фанидан амалий машғулотлар ўқув дастурида кўрсатилган мавзулар бўйича ўтказилади. Амалий машғулотларни ўтказиш технологияси қуйидагилардан иборат:

*дастлаб олдинги мавзу бўйича уйга мустақил бажариш учун берилган топшириқларнинг бажарилиши назорат қилинади (10 дақиқагача);

*кейин эса янги мавзу бўйича талабаларнинг қўйилган саволларга жавоблари эшитилади, улар лавра суҳбати шаклида муҳокама қилинади (15-20 дақиқагача);

*шундан сўнг, янги мавзуга тегишли масалалар (кейслар, хўжалик ситуациялари) ечилади (30-40 дақика);

*дарс якунида амалий машғулот мавзуси бўйича талабалар томонидан эришилган натижалар умумлаштирилади ва ўзлаштириш натижалари баҳоланади (5-10 дақиқагача), шунингдек келгуси амалий машғулот мавзуси ва уйга мустақил бажариш учун топшириқлар берилади.

«Солиқ ва тўловлар аудитининг хусусиятлари» фанидан амалий машғулотлар "биргаликда ишлаймиз" усулида ўтказилади. Ушбу усулга кўра амалий машғулотларда:

1. Талабалар сони кам бўлганлиги сабабли гуруҳ талабалари сафидан 1-2 кишидан иборат бўлган алоҳида қуйи гуруҳлар тузилади.

2. Ҳар бир қуйи гуруҳга бир хил топшириқларни ўз ичига олган эксперт варақалари тарқатилади.

3. Ҳар бир қуйи гуруҳ эксперт варақасида келтирилган умумий топшириқ устида ишлайди.

4. Барча қуйи гуруҳ аъзолари томонидан топшириқни бажариш натижалари муҳокама этилади. Умумий натижа (бутун эксперт варақи бўйича топшириқлар ечими)га баҳо берилади.

Гуруҳ бўлиб ишланда қуйидагилар муҳим хисобланади:

*шерикларни диққат билан тинглаш;

*гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этиш;

*берилган топшириқларга масъулият билан ёндашиш;

*агар ёрдам керак бўлса, албатта гуруҳ аъзоларига ва ўқитувчига мурожаат қилиш;

*бир-бирига ёрдам бериш;

*гуруҳлар фаолияти натижаларини баҳолашда хамманинг иштирок этиши.

«Солик ва тўловлар аудитининг хусусиятлари» фанидан талабалар мустакил ишларини мустакил тарзда "якка ишлайман" усулида берилган топшириклар бўйича бажарадилар. Ушбу усулнинг мохияти куйидагилардан иборат.

1. Хар бир талабага мустакил иш тури (саволлар, машклар, хўжалик ситуацияси) келтирилган эксперт варакалари таркатилади.

2. Хар бир талаба эксперт варакасида келтирилган мустакил иш устида ишлайди.

3. Барча талабаларнинг мустакил иши бўйича тақдимоти эшитилади ва мухокама килинади.

Мустакил иш турлари:

√ ***такрорлаш ва машқ қилиш*** – мавзу материалларини такрор-такрор ўкиб чикиш, тахлил килиш, берилган топшириқларни (кейслар, масалалар, *хўжалик ситуацияларини)* мустакил ечиш ва кайта ишлаш, олинган билимларни мустахкамлаш ва чукурлаштириш, амалий кўникма хосил килиш ва маълум тажрибани (малакани) шакллантириш;

√ ***янги билимларни мустақил ўзлаштириш*** – мавзу бўйича янги материалларни излаб топиш, конспектлаштириш, мустакил фикрларни шакллантириш;

√ ***ижодий характердаги ишлар*** – мавзуга оид мунозарали жихатларни излаб топиш, улар бўйича олимлар фикрларини ўрганиш ва конспектлаштириш, талабалар илмий тўгарагида (анжуманида) чикиш килиш учун, янгича фикр, гоя, усул ва услубларни ўзида мужассамлаштирган *илмий* реферат ва маколаларни тайёрлаш.

Якка ишланда куйидагилар мухим хисобланади:

* ўкитувчини диккат билан тинглаш;

*мустакил иш тури (саволлар, машклар, хўжалик ситуациялари ва бошкалар)ни ёзиб олиш ва уни бажаришга масъулият билан ёндашиш;

*агар ёрдам керак бўлса, албатта, шерикларга ёки ўкитувчига мурожаат килиш;

*бир-бирига ёрдам бериш;

*бошка талабаларни мустакил ишини бажаришни ва тақдимотини килиш жараёнида иштирок этиш ва ундан ўзига тегишли хулосаларни қилиш.

Амалий машғулотлар учун топшириқларни ҳамда мустакил ишларни бажаришда талабалар ахборот-ресурс марказидаги дарсликлар, ўкув кўлланмалар, солик солиш, бухгалтерия хисоби ва аудитга доир, *шунингдек* бошка меъёрий ҳужжатлар, услубий кўлланмалар, «Интернет» тармогида келтирилган маълумотлардан кенг фойдаланишлари лозим.

1-мавзу.	СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 5-8 тагача
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш асосидан амалий машғулот ва мустақил иш
Амалий машғулот режаси	1. «Солиқ ва тўловлар аудитининг хусусиятлари» фани предметини ташкил қилувчи объектларни таснифлашга бағишланган 1.1-топшириқни бажариш. 2. Солиқ ва тўловлар аудитининг зарурати, мақсади ва вазифаларини белгилашга бағишланган 1.2-топшириқни бажариш.
Мустақил иш режаси	1.Солиқ ва тўловлар аудитида қўлланиладиган усулларга бағишланган 1.3- ва 1.4-топшириқларни бажариш

Ўқув машғулоти ва мустақил ишнинг мақсади: талабаларда солиқ ва тўловлар аудити фанининг предмети, объектлари, методи ва усулларига оид амалий кўникмаларни шакллантириш.

Педагогик вазифалар:	**Ўқув фаолияти натижалари:**
солиқ ва тўловлар аудити фанининг предмети, объектлари, методи ва усулларига оид амалий кўникмаларни ҳосил қилиш	солиқ ва тўловлар аудити фанининг предмети, объектлари, методи ва усулларига оид амалий кўникмаларни ҳосил қилинади
Таълим бериш усуллари	Мунозара, суҳбат,тезкор-сўров,
Таълим бериш шакллари	Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, флипчарт, маркерлар, эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гурҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

ТОПШИРИҚ № 1.1.

Эксперт вараги № 1.1.

Корхоналар томонидан тўланадиган солиқлар ва тўловларни аудит объекти сифатида қуйидаги белгилари бўйича гурухлаб чикинг:

а. *Солиқ тўлаш режимига кўра;*

б. *Қайси бюджетга тўланишига кўра;*

в. *Бевосита ва билвоситалигига кўра*

г. *Бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилишига кўра.*

Топшириқ ечимини қуйидаги жадвал кўринишида расмийлаштиринг.

Корхоналар томонидан тўланадиган солиқ ва тўловларнинг турли белгилари бўйича тасниф

№	Солиқ ва тўловнинг номи	Гурухлаш белгилари									
		Умумбелгиланган солиқ	Солдалаштириллан солиқ	Республика бюджетига тўланадиган	Махаллий бюджетга тўланадиган	Бевосита	Билвосита	Олинадиган счётларга киритиладиган	Корхона харажатларини акс эттирувчи счётларга киритиладиган	Корхона фойдасини ишлатилишини акс эттирувчи счётларга киритиладиган	Ишхаки ва дивидендар бўйича қарзларни акс эттирувчи счётларга киритиладиган
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги										
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги										
3	Кўшилган киймат солиги										
4	Акциз солиги										
5	Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар										
6	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ										
7	Мол-мулк солиги										
8	Ер солиги										

| | | |

18	Ягона ер солиги								
19	Тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ								

Изоҳ: солиқлар ва тўловларнинг қайси гуруҳга тегишлилигининг мос равишдаги устунчаларда плюс (+) белгиси билан белгиланг

ТОПШИРИҚ № 1.2.

Эксперт варағи № 1.2.

Қуйидаги жадвалда келтирилган ҳолатларнинг қайсилари солиқлар ва тўловлар аудитига сабаб бўлишини ёки бўла олмаслигини плюс (+) ва (-) белгилари билан белгилаб чиқинг.

Солиқлар ва тўловлар аудитига сабаб бўладиган ва бўлмайдиган ҳолатлар

№	Ҳолатлар	Аудит ўтказишга сабаб	
		бўлади (+)	бўлмайди (-)
1	Солиқларнинг муҳим давлат аҳамиятига моликлиги		
2	Солиқларнинг корхоналарнинг муҳим мажбуриятларидан бири эканлиги		
3	Солиқлардан қочишга солиқ тўловчида моддий нафнинг борлиги		
4	Солиқлардан бинмасдан қочиш сабабли жиноий, молиявий ва маъмурий жазога тортилиш хавфининг борлиги		
5	Солиқчининг солиқларни потўғри текширганлиги		
6	Бош бухгалтернинг олдин судланганлиги		
7	Солиқ солиш конунчилиги ҳужжатларини чуқур билмаслик ва уларни тўғри тушунмаслик		
8	Солиқ ҳисоб-китобларининг турли кўрсаткичларга боғлиқлиги ва бу кўрсаткичларнинг қўплиги		
9	Солиқ ҳисоб-китобларининг мураккаблиги		
10	Солиқ ҳисоб-китоблари талабларига молиявий ҳисобнинг тўлиқ бўйсундирилмаганлиги		
11	Ахборот танқислиги		
12	Ахборотларни тўғри шакллантиришнинг автоматик тизимларини яратилмаганлиги		
13	Солиқлар конунчилиги талабларининг узоқ муддатли эмаслиги ва тез ўзгарувчанлиги		
14	Раҳбарнинг маълумотига кўра бухгалтерлик ёки солиқ солиқчи бўлганлиги		
15	Таъсисчилардан бирининг норезидентлиги		

ТОПШИРИҚ № 1.3.

Эксперт вараги № 1.3.

Қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлар асосида аудитда қўлланиладиган усулларни қайси гурухга кирувчи усуллар эканлигини плюс (+) ва (-) ишоралари билан белгилаб чикинг.

Солиқлар ва тўловлар аудитида қўлланиладиган усуллар

№	Усуллар номи	Аудитда қўлланиладиган усуллар	
		Бухгалтерия хисоби ва суд экспертизаси усуллари (+,-)	Тахлил ва математик-статистика усуллари (+,-)
1	Хужжатлаштириш		
2	Инвентаризация		
3	Баҳолаш		
4	Калькуляция		
5	Гурухлаш усуллари		
6	Индекс усули		
7	Жадвал усули		
8	Счётлар		
9	Икки ёклама ёзув		
10	Баланс		
11	Занжирли алмаштириш усули		
12	Танлов усуллари		
13	Хисобот		
14	Суд-бухгалтерия экспертизаси		
15	Анкета усули		
16	Хронметраж		
17	Тест усули		
18	Математик дастурлаш усули		

ТОПШИРИҚ № 1.4.

Эксперт варати № 1.4.

Аудитда қўлланиладиган танлаб текшириш ва ёппасига текшириш усулларини унинг қайси объектларига тегишли эканлигини плюс (+) ва (-) белгилари билан белгилаб чиқинг.

Солиқлар ва тўловлар аудитида қўлланиладиган усуллар

№	Ҳолатлар	Аудитда қўлланиладиган усуллар	
		Танлаб текшириш усули (+,-)	Ёппасига текшириш усули (+,-)
1	Счёт-фактура ларни тўғри расмийлаштирилганлиги		
2	Кирим касса ордери		
3	Чиқим касса ордери		
4	Касса китоби		
5	Тўлов топшириқномалари		
6	Банк кўчирмалари		
7	Йўл варақалари		
8	Сафар харажатлари бўйича бўнак ҳисоботлари		
9	Корхона харажатлари		
10	Корхона даромадлари		
11	Солиқлар ва тўловлар		
12	Фойда кўрсаткичлари		
13	Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати		
14	Амортизация ажратмалари		
15	Қимматли қоғозлар бўйича олинадиган фоиз тўловлари		
16	Ер ҳақининг тўғри ҳисобланиши		
17	Ер ҳақидан ушланмалар		
18	Дебиторлик қарзлар ҳолати		
19	Кредиторлик қарзлар ҳолати		
20	Ижобий ва салбий курс фарқлари		
21	Устав капиталидаги ўзгаришлар		
22	Қайта баҳолаш натижалари		
23	Дивидендларнинг тўғри ҳисобланганлиги		
24	Банкдаги бошқа счётлардаги операциялар		
25	Товар- моддий бойликларнинг моддий жавобгар шахслар бўйича ҳолати		

2- мавзу	СОЛИҚ ВА ТЎЛОВЛАР АУДИТИНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ, ТАШКИЛИЙ ВА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ

Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 8 тагача
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан амалий машғулот ва мустақил иш
Амалий машғулот режаси	1.Солиқ ва тўловлар аудити бўйича иш ҳажми ва шартнома қийматини аниқлашга бағишланган 2.1 - топшириқни бажариш 2. Солиқ ва тўловлар аудити режасини тузиш ҳамда бажариладиган ишларни аудиторлар ўртасида тақсимлашга бағишланган 2.2 - топшириқни бажариш
Мустақил иш режаси	1.Солиқлар ва улар аудитига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ахборот манбаларини гуруҳланишига бағишланган 2.3 ва 2.4 - топшириқларни бажариш 2. Солиқлар ва тўловлар аудити бўйича аудиторлик риски ҳамда муҳимлилик даражасини аниқлашга бағишланган 2.5 - топшириқни бажариш

Ўқув машғулотининг мақсади: талабаларда солиқ ва тўловлар аудитининг меъёрий-ҳуқуқий таъминоти, улар аудити бўйича иш ҳажми, иш қиймати, *аудиторлик риски ва муҳимлилик даражаси, аудит режаси ва дастури ҳамда* бажариладиган ишларни аудиторлар ўртасида тақсимлашга оид амалий *кўникмаларни шакллантириш.*

Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
талабаларда солиқ ва тўловлар аудитининг меъёрий-ҳуқуқий таъминоти, улар аудити бўйича иш ҳажми, иш қиймати, аудиторлик риски ва муҳимлилик даражаси, аудит режаси ва дастури ҳамда бажариладиган ишларни аудиторлар ўртасида тақсимлашга оид амалий кўникмаларни ҳосил қилиш	*солиқ ва тўловлар аудитининг меъёрий-ҳуқуқий таъминоти, улар аудити бўйича иш ҳажми, иш қиймати, аудиторлик риски ва муҳимлилик даражаси, аудит режаси ва дастури ҳамда бажариладиган ишларни аудиторлар ўртасида тақсимлашга оид амалий кўникмалар ҳосил қилинади*
Таълим бериш усуллари	Мунозара, суҳбат,тезкор-сўров,
Таълим бериш шакллари	Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, флипчарт, маркерлар, эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқлар ечимини текшириш

ТОПШИРИҚ № 2.1.

Эксперт варақи № 2.1.

Қуйидаги маълумотлар асосида:

1. «Тонг» ОАЖда ўтказиладиган аудиторлик текшируви бўйича жами иш хажмини соатларда ва кунларда хисоблаш.
2. «Тонг» ОАЖда ўтказиладиган солиқлар ва тўловлар аудитига оид иш хажмини соатларда ва кунларда хисоблаш.
3. «Тонг» ОАЖда ўтказиладиган аудитнинг, шу жумладан солиқ ва тўловлар аудитининг қийматини аниқлаш.

ТОПШИРИҚ ШАРТИ

Аудиторлик ташкилотининг мижози бўлган «Тонг» ОАЖ бўйича бухгалтерия хисобига доир хужжатларнинг ўртача йиллик сони 5600 дона. 1 та хужжатни текширишга сарфланадиган ўртача вақт 5 минут. Ўртача ойлик иш куни сони 25 кун. Бир кунлик иш вақти ўртача 8 соат. Жами меҳнат сарфининг 60 % бевосита солиқ ва тўловлар аудитига даҳлдордир. 1 соат учун аудиторлар меҳнатига тўланадиган хак миқдори 5000 сўм, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 %. Устама харажатлар - иш хакидан 15 %. Аудиторлик ташкилотининг фойдалилик нормаси жами харажатларга нисбатан 20 %. Аудиторлик текширувини 2 та аудитор томонидан ўтказилиши ва улар томонидан меҳнатни тенг тасимланиши белгиланган. Мижоз аудиторлик ташкилотининг юкоридаги шартларига асосланган шартномани имзолашга тўлик рози.

УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

1.Аудитда иш хажмини соат ва кунларда қуйидагича аниқлаш тавсия этилади.

$$Ихс = Хс * Дбб / 60;$$
$$Ихк = Ихс / Вик * Ас$$

Бу ерда: **Ихс**.- бажариладиган ишнинг соатлардаги хажми; **Хс** - текширилаётган хужжатларнинг ўртача сони; **Дбб** - бир бирлик хужжатни текширишга кетадиган ўртача дакика (минут); **60** - бир соатни ташкил киладиган дакика (минут); **Ихк.** - бажариладиган ишнинг кунлардаги хажми; **Вик.** - иш кунининг вакт миқдори (соатда); **Ас**- ишни олиб борувчи аудиторлар сони

Демак, бажариладиган ишнинг соатлардаги хажми текширилиши лозим бўлган бухгалтерия хисобига доир хужжатлар сони хамда уларнинг бир бирлигига тўғри келадиган вакт сарфига кўра аниқланади. Бажариладиган

ишнинг кунлардаги хажми жами вақт сарфини кунлик иш вақтининг соатлардаги миқдори ва ишловчи ходимлар сонига бўлиш орқали топилади.

Аудиторларнинг у ёки бу объектга вақт сарфи унибу объектга доир хужжатларнинг барча объектлар бўйича текширилиши кўзда тутилган жами хужжатлардаги улушига қараб чамаланади (бюджетлаштирилади).

2. Аудитда иш қийматини сўмда қуйидагича хисоб-китоб қилиш тавсия этилади.

$$Ик. = ИХ.с.* Бб.с.$$

$$Бб.с = Тб.с. + Фб.с.$$

$$Тб.с. = Мхб.с. + ИТб.с. + Ухб.с.$$

Бу ерда: **Ик.**- бажариладиган ишнинг сўмдаги қиймати; **Бб.с.** – бир соатлик ишнинг бахоси; **Тб.с** - бир соатлик ишнинг сўмдаги таннархи; **Фб.с.** - бир соатлик ишга тўғри келувчи фойда суммаси; **Мхб.с.** – бир соатлик меҳнат хаки суммаси; **ИТб.с** – бир соатлик иш хақига тўғри келувчи ягона ижтимоий тўлов суммаси; **Ухб.с.** – бир соатлик ишга тўғри келувчи устама харажатларнинг ўртача суммаси.

Демак, аудиторлик хизмати қийматини қуйидагича хисоб-китоб қилиш мумкин.

Аудиторлик хизмати қийматининг хисоб-китоби

№	Кўрсаткичлар	Сумма	
		хусусий	умумий
1	Бир соатлик иш хаки		
2	Бир соатлик иш хақига тўғри келувчи ЯИТ		
3	Бир соатлик ишга тўғри келувчи устама харажатлар		
4	Бир соатлик иш таннархи (1+2+3)		
5	Бир соат ишга тўғри келувчи фойда суммаси		
6	Бир соатлик ишнинг бахоси (4+5)		
7	Жами меҳнат сарфи (соатларда)		
8	Жами иш қиймати (6*7)		

ТОПШИРИҚ № 2.2.

Эксперт вараги № 2.2.

2.1- топшириқ ечимлари ҳамда қуйидаги қўшимча маълумотлар асосида «Тонг» ОАЖда ўтказиладиган солик ва тўловлар аудитининг режасини тузинг.

ТОПШИРИҚ ШАРТИ

Қўшимча маълумотлар:

1.Аудиторлик ташкилоти рахбари – Кўзиев Н.К.

2.Аудиторлик гурухи рахбари – Боймуродов Х.В.

3. Аудитор – Эшалиев Ш.М

4. Барча ишлар аудиторлар Боймуродов Х.В. ва Эшалиев Ш.М. томонидан хамкорликда олиб борилади.

5. Алохида солик ва тўловлар аудити учун вакт сарфи жами солик ва тўловлар аудитига ажратилган кунларда куйидагича таксимланган: ҚҚС – 15%; мол-мулк солиги – 10 %; сув солиги – 5 %; ер солиги – 5 %; Пенсия фондига ажратма – 10 %; Йўл фондига ажратма 2,5 %; Мактаб таълимини ривожлантириш фондига ажратма – 2,5 %; ЯИТ – 15 %; ходимлардан сугурта балали – 3 %; ходимлар даромадидан солик – 10 %; фойда солиги – 15%; ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиги – 3 %; ўтган йилнинг фойдасидан тўланган дивиденд солиги – 4 %.

УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Солик ва тўловлар аудитининг умумий режасини куйида келтирилган шакл ва мазмунда тузиш тавсия этилади.

Аудит режасида текширув муддати кунларини 6-масалада солик ва тўловларни текширишга ажратиладиган кунларнинг аникланган миқдоридан ва 8-масала шартида келтирилган фоизлар асосида топиш лозим (кунлар сонини яхлитланган холда, масалан 0,85 ни 1 кун, 0,45 ёки 0,52 ни 0,5 кун сифатида).

Солик ва тўловлар бўйича аудиторлик текширувини ўтказишнинг умумий режаси

Аудиторлик ташкилоти	
Текширилаётган ташкилот	
Аудит ўтказиш муддати (кунларда)	
Аудиторлик гурухининг рахбари	
Аудиторлик гурухининг таркиби	
Режалаштирилган аудиторлик риски	
Режалаштирилган жиддийлик даражаси	

№	Солик ва тўлов турлари	Муддати (кун)	Бажарувчи	Эслатма
1	ҚҚСни текшириш			
2	Мол-мулк солигини текшириш			
3	Сув солигини текшириш			
4	Ер солигини текшириш			
5	Пенсия фондига ажратмаларни текшириш			
6	Йўл фондига ажратмаларни текшириш			
7	Мактаб таълимини ривожлантириш фондига ажратмаларни текшириш			
8	ЯИТни текшириш			
9	Ўкаролларнинг сугурта балалини текшириш			

10	Ходимлар даромадидан солиқни текшириш				
11	Фойда солиғини текшириш				
12	Обуналаштириш солиғини текшириш				
13	Дивиденд солиғини текшириш				
	Жами				

ТОПШИРИҚ № 2.3.

Эксперт варағи № 2.3.

Солиқ ва тўловлар аудитининг меъёрий-ҳуқуқий асосини ташкил қилувчи қуйидаги жадвалда келтирилган қонунлар, қонуности ҳужжатлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни қайси гуруҳ (даража)га киришини (+) белгиси билан белгилаб чиқинг.

№	Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат номи	Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг даражалари			
		1-даража	2-даража	3-даража	4-даража
1	Солиқ кодекси				
2	Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонун				
3	Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун				
4	Корхонанинг ҳисоб сиёсати				
5	Аудитор иш сифатини белгилашнинг ички стандарти				
6	70-сон АФМС «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси»				
7	3-сон АФМС «Аудитни режалаштириш»				
8	Аудит текшируви дастури				
9	Аудит текшируви режаси				
10	Корхонанинг ички счётлар режаси				
11	Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун концептуал асос				
12	Маҳсулот (иш ҳизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом				
13	21-сон БҲМС				
14	2-сон БҲХС «Захиралар»				
15	Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисида НИЗОМ				

16	Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерия хисобида акс эттириш тартиби тўғрисида НИЗОМ (янги таҳрирда)				
17	Аудиторлик ташкилоти раҳбари буйруғи				
18	Хўжалик суди қарори (ажрими)				
19	Бош бухгалтер тўғрисида Низом				
20	Аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари				

УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти аудитини, шу жумладан улар томонидан тўланадиган солиқлар ва тўловлар аудитини тартибга солиб турувчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни гуруҳланда уларнинг қуйидаги 1-расмда келтирилган иерархик тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофик



1-расм. Солиқ ва тўловлар аудитини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иерархик тизими

ТОПШИРИК № 2.4.

Эксперт вараги № 2.4.

Қуйидагиларнинг қайси бирлари солиқ ва тўловлар аудитини ўтказишда ахборот манбаи ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигини (+) ёки (-) белгилари билан белгилаб чикинг.

№	Ҳужжатнинг номи	Ахборот манбаи бўлиб	
		Ҳисобланади (+)	Ҳисобланмайди (-)
1	Солиқ колекси		
2	Корхонанинг бухгалтерияси тўғрисида Низом		
3	Корхонанинг ишчи счетлар режаси		
4	Бош китоб		
5	Молиявий ҳисобот шакллари		
6	Солиқ ва тўловларнинг ҳисоб китоблари		
7	Ишга чикиш тўғрисида табель		
8	Ходимнинг моддий ёрдам бериш тўғрисидаги аризаси		
9	Ходимга жарима солиш тўғрисида буйрук		
10	Олди-сотди шартномаси		
11	Счёт-фактуралар		
12	Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш ҳисоб-китоби		
13	Далолатномалар		
14	Аналитик ҳисоб регистрлари		
15	Бошка аудиторларнинг ҳисоботлари		
16	Суд ажрими		
17	Ходимларни мукофатлаш тўғрисида буйрук		
18	Тузатиш ёзуви бўйича бухгалтерия маълумотномаси		
19	ДСИ буйругидан кўчирма		
20	Аванс ҳисоботи		
21	Акциядорлар йиғилиши баённомаси		
22	Таъсис шартномаси		
23	Корхона устави		
24	Даъво ҳати		
25	Ходимнинг паспорти нусхаси		
26	Инвентаризация вараги		
27	Қоравулнинг билдиргиси		
28	Касаллик варакаси		
29	Аудиторлик ташкилотининг ички стандартлари		

Эслатма: масалани тўғри ечиш учун қуйидагиларни яхши билиш лозим.

А) аудитор учун ҳар қандай ахборот ўта муҳим;

Б) аудитор аудитни ўтказишда меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиши ва улар ижросини таъминланишига баҳо бериш учун тегишли ахборотлардан фойдаланиши лозим

ТОПШИРИҚ № 5

Эксперт варағи № 5.

Қуйидаги маълумотлар асосида:

1. Аудиторлик хатарининг умумий даражасини аниқлаш (коэффициент ва фоизларда).

2. Аниқланган аудиторлик хатари умумий даражаси бўйича мижознинг солиқлар ва тўловларнинг барча турлари бўйича аудиторлик ташкилотига билдирмайдиган даъво суммасини хисоб-китоб қилиш.

4. Солиқ ва тўловлар бўйича жиддийлик даражасини аниқлаш.

ТОПШИРИҚ ШАРТИ

Аудитор ўзининг малака даражасини юқори баҳолаган ҳолда корхонанинг ички назорат тизимига ишончини 50 %, *ҳар қандай корхона мавжуд бўлишлиги* мумкин бўлган ажратиб бўлмасликдан келиб чиқадиган хатолик даражасини 30 %, ўзининг вақт этишмаслиги сабабли хатони топ олмаслик даражасини 10 % миқдорида баҳолади. Мижоз рахбари ушбу хатар турлари даражаларининг тавсия этилаётган даражаларига розилиги ҳамда улар асосида топиладиган умумий аудиторлик хатари даражасида корхона томонидан хисобланган ҳар бир солиқ суммасидаги четланишлар учун аудиторлик ташкилотига даъво билдирмаслик шарти билан умумий қиймати 5000 минг сўмлик шартномага имзо чекди. Шартноманинг умумий қиймати миқдоридаги четланиш томонлар ўртасида жиддий деб тан олинди.

Корхонанинг текширилаётган хисобот йили бўйича хисобланган солиқ ва тўловлари суммаси қуйидагича:

*ҚҚС – 56600 минг сўм; мол-мулк солиғи – 5600 минг сўм; сув солиғи – 3200 минг сўм; ер солиғи – 2260 минг сўм; Пенсия фондига ажратма – 4245 минг сўм; Йўл фондига ажратма 4245 минг сўм; Мактаб таълимини ривожлантириш фондига ажратма – 1415 минг сўм; ЯИТ – 10300 минг сўм; ходимлардан суғурта бадали -1854 минг сўм; ходимлар даромадидан солиқ – 7416 минг сўм; фойда солиғи – 7800 минг сўм; ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи 2500 минг сўм; ўтган йилнинг фойдасидан тўланган дивиденд солиғи – 2000 минг сўм.

УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

1.Аудиторлик хатари (таваккалчилиги)нинг умумий даражаси қуйидагича хисоб-китоб қилинади:

$$AR = IR * CR * DR$$

Бу ерда: **AR (audit risk)** - умумий аудиторлик хатарининг даражаси, яъни молиявий хисоботга нотўғри хулоса бериш эхтимоли;

IR (inherent risk) ички хўжалик хатарининг даражаси, яъни хисобдаги хатолар эхтимоли;

CR (control risk) назорат тизими хатари даражаси, яъни ички назорат тизимининг самарасизлик эхтимоли;

DR (detection risk) - хатоларни топа олмасликдан вужудга келадиган хатар даражаси, яъни хатони топа олмаслик эхтимоли.

2. Белгиланган аудиторлик хатарининг умумий даражаси бўйича аудиторлик ташкилотига билдирилмайдиган даъво суммаси хисоб-китобини қуйидаги жадвал кўринишида расмийлаштириш тавсия этилади.

Белгиланган аудиторлик хатари даражаси бўйича аудиторлик ташкилотига билдирилмайдиган даъво суммаси хисоб-китоби

№	Солик ва тўловлар тури	Солик ва тўловнинг хисобдаги суммаси, минг сўм	Аудиторлик хатари даражаси, фоизда	Аудиторлик хатари суммаси
1	ККС	56600		
2	Мол-мулк солиги	5600		
3	Сув солиги	3200		
4	Ер солиги	2260		
5	Пенсия фондига ажратма	4245		
6	Йўл фондига ажратма	4245		
7	Мактаб таълимини ривожлантириш фондига ажратма	1415		
8	ЯИТ	10300		
9	Фукароларнинг сугурта бадали	1854		
10	Ходимлар даромадидан солик	7416		
11	Фойда солиги	7800		
12	Ободонлаштириш солиги	2500		
13	Дивиденд солиги	2000		
	Жами	**109435**		

3.Жиддийлик даражасини шартноманинг жами кийматини корхона бўйича хисобланган барча солик ва тўловларнинг умумий суммасига нисбатан фоизларда белгилаш тавсия этилади.

3-мавзу	ОБОРОТДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАРНИНГ АУДИТИ

I. Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти-2 соат Машғулот шакли	Талабалар сони: 8 тагача Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан амалий машғулот
Амалий машғулот режаси	1.Акциз солиғи аудити бўйича 3.1-топшириқни бажариш. 2. ҚҚС аудити бўйича 3.2-топшириқни бажариш
Мустақил иш режаси	1. Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ аудити бўйича 3.3-топшириқни бажариш

Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларда оборотдан олинадиган солиқлар аудитига доир амалий кўникмаларни шакллантириш.

Педагогик вазифалар:	**Ўқув фаолияти натижалари:**
Талабаларда оборотдан олинадиган солиқлар аудитига доир амалий кўникмаларни хосил қилиш	Талабаларда оборотдан олинадиган солиқлар аудитига доир амалий кўникмаларни хосил қилинади.
Таълим бериш усуллари	Мунозара, суҳбат,тезкор-сўров,
Таълим бериш шакллари	Оммавий, якка тартибда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, флипчарт, маркерлар, эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гурҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, топшириқ ечимини текшириш

ТОПШИРИК № 3.1

Экспертиза № 3.1.

Қуйидаги маълумотлар асосида:

1. Солиқ кодекси (229-211-моддалар)га мувофиқ акцизли товарларни сотиш ҳажми ва, мос равишда, акциз солиғи реал суммасини топинг.

2.Акциз солиғи ҳисоб-китоби реаллигини текширинг.

3. Акциз солиғи бўйича бухгалтерия ёзувлари тўғрилигини текширинг.

4.Акциз солиғи бўйича йил охирига кредиторлик қарзи реаллигини текширинг.

5. Акциз солиғи бўйича йўл қўйилган хатоликларни тузатишга оид аудиторлик тавсияларини ишлаб чиқинг.

ТОПШИРИҚ ШАРТИ

Ёғ-мой комбинати бўйича акциз солиғига оид 20__ йилга тегишли ҳисоб ва ҳисобот маълумотларидан кўчирмалар қуйида келтирилган.

1. Йил бошига солиқ бўйича кредиторлик қарзи – 33500 минг сўм.

2. Йил мобайнида ишлаб чиқилган ўсимлик ёғи: 10030 тонна.

3. Йил мобайнида сотилган ўсимлик ёғи: Афғонистон Республикасига 1600 тонна; Республика ички харидорларига 8340 тонна; ходимларга уларнинг аризасига кўра иш ҳақидан ушлаш шарти билан тарқатилган – 15 тонна; хайрия тариқасида тарқатилган 20 тонна; Дивиденд тариқасида тарқатилган – 30 тонна.

4. Инвентаризацияда аниқланган қолдиқ: йил бошига – 160 тонна; йил охирига – 180 тонна.

5. Табиий камайиш - 2 тонна

6. Айбдор шахслар бўйинига ундириладиган камомад сифатида қўйилган ёғ миқдори – 3 тонна.

1 тонна пахта ёғининг корхона сотиш баҳоси ўртача 1800000 сўм (шундан акциз солиғи 657900 сўм, ҚҚС – 20% ёки 300000 сўм, ўртача таннарх 600000 сўм).

Ҳисобот йилида ўсимлик ёғини сотишга доир акциз солиғини счётларда қуйидагича акс эттирилган:

№	Операция мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма
1	Ўсимлик ёғини сотиш бўйича харидорлардан олинадиган акциз суммасига (8340 тоннага)	4010	6412	5486886000

2	Ип хакида берилган ўсимлик ёғи бўйича акциз солиги суммасига (15 тоннага)	6710	6412	98685000
3	Дивиденд хисобига берилган ўсимлик ёғи бўйича акциз солиги суммасига (30 тоннага)	6610	6412	19737000
4	Бюджетга ўтказиб берилган акциз солиги суммаси	6412	5110	5553281000
5	Хайрия учун берилган ўсимлик ёғи суммасига (20 тоннага)	9410	2810	12000000
6	Ўсимлик ёғи бўйича мебёрдаги камомад суммасига (2 тоннага)	9430	2810	1200000
7	Моддий жавобгар шахс бўйича олиб борилган камомад суммасига (3 тоннага)	4730	2810	1800000

Корхонанинг ДСИга топширган акциз солиги хисоб-китобидан кўчирма:

Ўсимлик (пахта) ёғи бўйича акциз солиги

ХИСОБ-КИТОБИ

Махсулот	Солиқ солинадиган база			Солиқ солинадиган базани камайтириш (тонна)		Акциз солиғини хисоблаш учун солиқ солинадиган база (тонна) (3-уст. - 6-уст. - 7-уст.)	1 тонна учун акциз солиғи ставкаси (сўм)	Бюджетга тўланиши лозим бўлган акциз солиғи суммаси (сўм)		Камайтирилиши (-), қўшимча тўланиши (+) керак бўлган акциз солиғи суммаси (сўм) (10-уст. - 11-уст.), минг сўм
	Жами (тонна)	шу жумладан		Экспорт	Сальмак ва "Ўзбекистон" ёғини ишлаб чикариш			хисоблангани (8-уст. х 9-уст.), минг сўм	ўз кўлидаги тўловлар билан тўланган, минг сўм	
		Реализация килинган махсулот хажми	солиқ солинадиган бошқа оборотлар							
1	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Ўсимлик ёғи	9985	9940	45	1680	-	8385	657900	5516492	5477018	39474

УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

1. Солиқ кодекси (230-233-моддалар)га мувофик акцизли товарларни сотиш хажми ва, мос равишда, акциз солиғи реал суммасини топишни қуйидаги шаклдаги жадвал билан расмийлаштириш тавсия этилади.

_____корхонаси бўйича _____йилда акцизли товарларнинг сотиш хажми ва акциз солиғи суммаси хисоб-китоби

Т	Сотиш тури	Аудит текшируви бўйича		
	Номи	Миқдори, тонна	Ставка	Акциз суммаси
1	Экспорт			

2	Ички харидорларга				
3	Ип хаки хисобидан				
4	Дивиденд хисобидан				
5	Хайрия учун				
6	Меъёрдан ортик камомад				
	ЖАМИ				

2.Акциз солиги хисоб-китобидаги четланишни куйидаги жадвал кўринишида расмийлаштириш тавсия этилади.

___ _____корхонаси бўйича ___ ___йилда акциз солигини текшириш натижаси

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Корхона маълумоти бўйича	Аудит текшируви бўйича	Четланиш
1. Солиққа тортиладиган база	тонна			
2.Солик ставкаси	%			
3.Солик суммаси	**сўм**			

3.Акциз солиги бўйича бухгалтерия ёзувлари тўғри берилганлигини текширии натижаларини куйидаги жадвал кўринишида расмийлаштирии тавсия этилади.

Акциз солигига доир бухгалтерия ёзувларидаги камчиликлар реестри

№	Операциянинг мазмуни	Ёзув берилган			Берилиши керак		
		Дебет	Кредит	Сумма	Дебет	Кредит	Сумма
1	Хайрия учун берилган ўсимлик ёги суммасига (20 тоннага)						
2	Ўсимлик ёги бўйича меъёрдаги ва меъёрдан ортик камомад суммасига (жами 5 тоннага)						

4.Акциз солиги бўйича кредиторлик қарзи ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини текшириш натижаларини қуйидаги жадвал кўринишида расмийлаштириш тавсия этилади.

_____ корхонасида _____ йилда дебиторлик ёки кредиторлик қарзларни текшириш натижалари

Кўрсаткичлар	Давр бошига қолдиқ		Даврдаги оборот		Давр охирига қолдиқ	
	Дт	Кт	Дт	Кт	Дт	Кт
Корхона бўйича						
Аудит текшируви бўйича						
Четланиш						

5. Акциз солиги бўйича йўл қўйилган хатоликларни тузатишга оид аудиторлик тавсиялари ўз ичига қуйидагиларни олиши лозим:

- акциз солиги ҳисоб-китобини юқорида келтирилган намунавий шаклидаги аудиторлик вариантини тақдим этиш;
- Бош китобга киритилиши лозим бўлган тузатиш ёзувлари вариантини тақдим этиш
- Балансга киритиладиган тузатишлар вариантини тақдим этиш.

ТОПШИРИҚ № 3.2

Эксперт варағи № 3.2.

Қуйидаги маълумотлар асосида:

1. Солиқ кодекси (197-228-моддалар)га мувофиқ ҚҚСга тортиладиган ва ҚҚСга тортилмайдиган оборот суммаларини ҳамда сотишга тўғри келадиган ҚҚС реал суммасини топиш.

2.Камайтиришга олиб борилиши лозим бўлган ҚҚСнинг реал суммаларини топиш.

3. Бюджетга тўланадиган ҚҚС ҳисоб-китоби реаллигини текшириш.

4.ҚҚС бўйича йил охирига кредиторлик қарзи реаллигини аниқлаш.

5.ҚҚС бўйича бухгалтерия ёзувларининг тўғри берилганлигини текшириш.

6.ҚҚС бўйича йўл қўйилган хатоликларни тузатишга оид аудиторлик тавсияларини ишлаб чиқиш.

ТОПШИРИҚ ШАРТИ

«Автотеххизмат» ОАЖ бўйича қўшилган киймат солиғига оид 20__ йилга тегишли ҳисоб ва ҳисобот маълумотларидан кўчирмалар.

1.Солиқ бўйича кредиторлик қарзи: (1) йил бошига 22400 минг сўм. (2) йил охирига 26484 минг сўм.

2.Йил мобайнида олинган даромадлар: (1) автомобилларни дилерлик асосида сотишдан олинган дилерлик ҳақи (ҚҚС сиз) – 1560420 минг сўм; GM компанияси – эҳтиёт қисмларни дилерлик асосида сотишдан олинган даромад (ҚҚСсиз) – 356250 минг сўм; GM ва ДОУ русумли автомобилларга кўрсатилган автотеххизматлардан олинган даромад – 645623 минг сўм; ижарадан олинган даромад (ҚҚСсиз) – 12000 минг сўм; хизмат автомобили «Нексия»ни сотиш: (а) бошланғич қиймати 18500 минг сўм; (б) жамланган эскириши – 8500 минг сўм; (в) сотиш қиймати 12000 минг сўм; ўтган йилда қайта баҳолашдан вужудга келган резерв капитали 350 минг сўм.

3. Йил мобайнида таъминотчиларга тўланган ҚҚС: (а) капитал таъмирлаш учун олинган қурилиш материаллар бўйича 4800 минг сўм; бино реконструкцияси бўйича хизматлар бўйича – 6400 минг сўм; турли бошқа хизматлар (газ, сув, электр энергия, алоқа ва бошқалар) – 12000 минг сўм.

4. **Қўшимча маълумотлар.**

*корхона GM компанияси эҳтиёт қисмларни дилерлик асосида сотишдан олинган даромадлар ҳамда GM ва ДОУ русумли автомобилларга кўрсатилган автотеххизматлардан олинган даромадлар бўйича ҳисобот йилида ҚҚСдан озод этилган. қолган даромадлар бўйича ҚҚС тўловчи ҳисобланади;

* ҳисобот йилида бюджетга ўтказилган ҚҚС суммаси – 300000 минг сўм;

*ҚҚС ҳисоб китобида кўрсатилган: ҚҚСга тортиладиган база – 1582420 минг сўм; ҚҚСга тортилмайдиган база 1001873 минг сўм; сотишдан олинган ҚҚС- 316484 минг сўм; камайтиришга олиб борилган ҚҚС – 12400 минг сўм.

УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

